RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ушбу сонда:

2 **ЖАРИМА... 13650 СЎМ**

3 **ЁЛЛАНИШ** унга нисбатан қандай жиноий жавобгарлик бор?

**ҚАСАМГА ХИЁНАТ**

4 **ВЕРСАЧИНИНГ СЎНГГИ КИЙИМИ** ёки модалар қиролини ким ўлдиргани хусусида янги тахминлар

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 29 (336)
2003 йил 22 ИЮЛ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Давлат органлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт.**

**"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ" ҚОНУН 20-МОДДА**

***18 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳалардаислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримов маъруза қилди.***

## ОЛИЙ МАҚСАД – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

Халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қамрови ва самарадорлигига боғлиқ. Бу эса жорий йилда ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида қандай ҳаракат қилаётганимизни танқидий ва холислик нуқтаи назаридан таҳлил этишни тақозо этади. Шу маънода айтиш жоизки, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Буни олти ой ичида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,8 фоиз ўсгани ҳам яққол тасдиқлайди. Хусусан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 фоиз, истеъмол моллари 4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 3,8 фоиз, инвестициялар ҳажми эса 2,6 фоизга кўпайди. Энг муҳими, аҳоли бандлиги ўсиш суръатларининг барқарорлиги сақланиб қолинди. Бундан ташқари, хусусий мулкчиликни ривожлантириш ишларида ҳам олға силжиш кузатилди. Бироқ шунга қарамай бу борада камчилик ва муаммолар етарли. Масалан, корхоналарни хусусийлаштириш юзасидан қабул қилинган дастурни бажариш бўйича белгиланган ишлар кўнгилдагидек эмас. Далилларга мурожаат этадиган бўлсак, ярим йил мобайнида "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясида бор-йўғи 2 та объект, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясида 3 та объект хусусийлаштирилган, холос. Бу борада, айниқса, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Энг ёмони, ҳанузгача хусусийлаштириш лозим бўлган давлат мулкини баҳолаш усул-услублари ишлаб чиқилмаган. Бу эса хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодида етакчи мавқе эгаллаган. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳозиргача 4 миллион 300 минг тоннадан зиёд ғалла ҳосили йиғиб олинди. Ғалла йиғим-терими мавсуми ҳали тугамаганини инобатга олсак, бу кўрсаткичнинг яна ортишини англаш қийин эмас. Бу эса ғаллачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланаётгани ва ғалла етиштириш маданияти такомиллашаётганидан далолатдир. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасида шартнома шартларига амал қилиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кўплаб ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Уларни ҳал этиш учун эса амалдаги бошқарув тизимини ислоҳ қилишни ҳаётий заруратга айлантирмоқда. Чунки Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, **ҳозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди. Яна шуни ҳам тан олишимиз лозимки, биз кўп ҳолларда эски маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимининг ҳамон давом этиб келаётган, ўта яшовчан қолипларидан воз кеча олмаяпмиз.** Энг ёмони, бошқарув тизими бозор иқтисоди талаблари ва жамият истиқболи нуқтаи назаридан қабул қилинган ҳукумат қонун ва қарорлари ижросини тўлиқ таъминлай олмаяпти. Бунда асосан эскича маъмурий-буйруқбозлик усулига хос бўлган ўз ҳукмронлигини ўтказиш, ваколатларини суиистеъмол қилиш, фойдаси бўлмаган турли буйруқ ва йўриқномалар, кўрсатма-ю меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш жуда панд бермоқда. Яна бир муаммо турли бошқарув тузилмалари ва бўғинларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани билан боғлиқ. Шунингдек, вазирлик ва идоралар ихтиёрида турли тақсимлаш вазифаларининг сақланиб қолгани ҳам умумий аҳволга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунга мисол тариқасида "Ўзнефтмаҳсулот" компанияси тизимидаги айрим камчиликларни айтиб ўтиш мумкин. Бошқарув тизимида ҳисобот ва маълумотлар йиғиш масаласи ҳам яна бир мураккаб муаммо ҳисобланади. Бу борада энг керакли ва содда тартибдаги ҳисоботларни сақлаб қолиш, қолганларидан эса воз кечиш лозим.

Маъмурий бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим аҳамияти шундаки, бошқарув аппаратини сақлаб туришга сарфланадиган бюджет ва хўжалик харажатлари кескин суръатда қисқаради. Бу эса бюджет маблағини тежаш ва аҳолидан олинадиган солиқлар миқдорини камайтириш имконини беради.

Иккинчидан, бошқарув тизимини қисқартириш коррупцияга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, шунинг ҳисобига давлат вазифалари ва ваколатлари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ихтиёрига ўтади. Таъкидлаш жоизки, бошқарув тизимининг бундай тарзда ислоҳ қилиниши давлат, жамоат ва хўжалик субъектларини бошқаришнинг бутун тизимини эркинлаштириш баробарида унинг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Хулоса сифатида айтсак, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад халқимиз турмуш ва фаровонлигини ривожланган демократик давлатлар даражасига кўтаришдан иборат. Бу шарафли ва масъулиятли вазифа ҳар бир юртдошимиздан фидокорона меҳнат, фидойилик ва изланувчанликни талаб этади.

*Истиқлол ва имконият*

## КЎҲНА ТАРИХ ШОДАСИДА БИТТА МАРЖОН...

*ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА*

***Фахр — инсон кўнглини ўстирадиган туйғу. Унинг нурларидан юрак ёришади, яшашга, яратишга, рағбат сезади. Айни шу туйғу бутун бир миллатга тегишли бўлса, бу миллатнинг чинакам бахти. Зотан, фахру ифтихор миллат қаддини тиклайди, чеҳрасини ёритади, бошқа элу элатлар орасида қадрига қадр қўшади.***









Шу маънода халқимизнинг қадим ва бой тарихи битмас-туганмас ифтихор манбаидир. Чунки ўтмишда юртимиз жаҳон тамаддунининг бешиги бўлган. Дунёга кўплаб фозилу фузалоларни етиштириб берган. Биз тарихимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Биргина шаҳарлар тимсолида бунга яққол гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Шаҳрисабз каби шаҳарлар нафақат қадимий асори отиқалари балки, ўз вақтида юксак маданият маркази бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, уларда халқимизнинг бунёдкорлиги, юксак маданияти ва маънавияти ўз аксини топган. Шу ўринда табиий савол туғилади: Хўш, истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан қадимий шаҳарларимизнинг тўйларини ўтказиш, ёдгорлик ва асори-атиқаларни таъмирлашдан кўзланган асосий мақсад нима эди? Бунга жавобан айтиш жоизки, қадимий ва кўҳна шаҳарлар халқимиз тарихининг кўзгусидир. Тарих эса халқ маънавиятининг асоси ҳисобланади. Шу боис ўзликни таниш тарихни билиш ва уни ўрганишдан бошланади. Қолаверса, тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Чунки тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Президентимиз Ислом Каримов **тарихий хотирасиз келажак йўқ,** деганида масаланинг худди шу жиҳатларини назарда тутган. Қадимги шаҳарларимиз аждодларимиз заковатининг қанчалик ўткир бўлганини кўрсатувчи бебаҳо ёдгорликлардир. Уларни асраш ва келажак авлодларга бутун ҳолда етказиш ўзлигини таниган халқимизнинг муқаддас бурчи саналади.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг тарихимизни тиклаш йўлида қилинган жуда кўп ҳаракатлар, аслида, ўзимизни миллат сифатида, халқ сифатида таниб, қаддимизни кўтариб олишни мақсад қилган эди. Бу жараён ҳануз давом этаётир. Ўтган ўн икки йил мобайнида ўзлигимизни таниш ва танитиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг энг йирик воқеалар билан боғлиқ тадбирлари фахру ифтихоримиз тимсоллари бўлмиш Бухоро, Хива, Термиз ва Шаҳрисабз тўйларига бағишланган тантаналар бўлди.

Мусулмон дунёсининг марказларидан бири сифатида "қуввати дини ислом" дея тан олинган Бухоро шаҳри тарихида миллатимизнинг йигирма беш асрлик йўли мужассам. Зотан, кўп қадим кентларни ўз бағрига олган бу кутлуғ маскан ўзининг Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Тўмарис сингари ботир фарзандлари, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Кулол, кейинги замонда Абдурауф Фитрат каби алломалари билан дунёга донг таратди. Кўп жабр-зулмларга гувоҳ бўлган бу кўҳна шаҳримиз истиқлол йиллари ўзининг бўй=бастини тиклади, гўзаллигини намоён этди. 1997 йил 19 октябрда бўлиб ўтган Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар дунёга азим шаҳримиз довруғини янада кенг ёйди.

**"Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир",** деб таъкидлаганди Президентимиз Ислом Каримов Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида.

Тарихий хотира миллатга ўзлигини танитибгина қолмай, айни пайтда унга авлод-аждодлари ким бўлиб ўтишганини, халқаро ҳамжамиятдаги ўрни қаердалигини мудом уқтириб, керак бўлса, безовта қилиб туради. Шон-шавкатли боболардан мерос заминда яшаш масъулияти шу боис бизни доимо сергак тортиради. Кўп қадим шаҳарларимизнинг муборак тўйлари нишонланган Истиқлол йиллари биз аждодларимизнинг башарият маданиятига қўшган бебаҳо ҳиссасини англаб етдик, ундан чуқур ифтихор ҳиссини туйдик ва шубҳасиз, ҳар бир онгли ватандошимиз қалбида отамерос юртимизга меҳр-муҳаббат туйғулари янада ортди, уни обод, фаровон қилишга бурчли эканимизни ҳис этдик.

Бухоро ва Хива шаҳарлари тўй тантаналарида бўлгани каби 2002 йил 1 ноябрда ўтган Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган тантаналарда ҳам ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ва хорижий элчихоналар вакиллари иштирок этишди. Жаҳон цивилизациясида бу қадим шаҳримизнинг тутган ўрни халқаро миқёсда таъкидланиши Шаҳрисабзга жаҳоний эътибор ва эътирофнинг яна бир яққол далили бўлди.

Ана шу тантанада Юртбошимизнинг **"Муқаддас жойдагина аждодлар эккан дарахтлар ўсади ва муқаддас куч уларни асрлар оша асрайди",** деган сўзлари қадим ва азим шаҳарларимизнинг шаъни шукуҳини таъмин этган бобокалонимиз Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа улуғ арбоб ҳамда алломаларимизнинг буюк эзгу ишларидан фахр-ифтихорга тўлган юртдошларимиз кўнгиллари тубидаги эътирофни ифода этди. Зотан, ўз Ватани тарихини ҳис этиб яшамоқ кишига масъулият юклайди ва айни пайтда куч ато этади. Истиқлол йиллари тарихимизнинг тикланиши билан биз узоқ тарихимизнинг асрлар оша гавҳардек порлаб турган тимсоллари — Бухоро, Хива, Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларининг кутлуғ саналарини муносиб нишонладик. Бу тантаналарнинг маънавий ва маърифий аҳамияти эса авлодлар қалбида фахру ифтихор туйғуларини тарбиялаётгани тайин.

**Аҳмад ОТАБОЕВ**

**Saboq**

***Қумқўрғонлик Гулчеҳра Сайдалиева кўп қатори тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилди. У барча зарур ҳужжатларни тайёрлаб, туман ҳокимлигига топширди. Қумқўрғон туман ҳокимининг 2001 йил 25 июл кунидаги 491-сонли қарори билан "Мурод" савдо ишлаб чиқариш корхонасини очиб, уни ишга туширди. Ҳар қандай янгилик ҳам бошида бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Лекин Гулчеҳра Сайдалиева улардан чўчимади. У тиришқоқлиги боис йил охирига бориб, корхонани иқтисодий томондан ўнглаб олди. Тадбиркорнинг ишлари бир маромда кетаётганда туман солиқ инспекцияси назоратчилари билан бироз тортишув бўлиб ўтди. Шундан сўнг туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари атайин "текшир-текшир"ларни бошлаб юборди. Улар томонидан ўйлаб топилган сунъий тўсиқларни енгиб ўтишда тадбиркор анча қийналиб қолди.***

## ХАТО ОРТИДАГИ ОВОРАГАРЧИЛИК

Шу боис қўлига қалам-қоғоз олди-ю вилоят ҳокими, адлия бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Ҳар қандай тазйиқлар, "текшир-текшир"лардан холис бўлиш ниятида корхонани ҳам тақа-тақ ёпиб қўйди. Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган текширувда шу нарса маълум бўлдики, Қумқўрғон туман ДСИнинг инспектори Панжи Пардаев шу йилнинг май ойида "Мурод" савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли 1-сонли ошхонада текширув ўтказиб, барча ҳужжатларни қонун талабларига мутлақо жавоб бермайдиган тарзда расмийлаштирган. Масалан, текширишда тузилган далолатнома гарчанд корхона раҳбарининг иштирокисиз тузилган бўлса-да, далолатномада "Г.Сайдалиева иштирок этди" деб қайд этилган. Далолатномага тадбиркорнинг турмуш ўртоғи Баҳриддин Сайдалиевга имзо чектирилиб, ҳатто у киши ёзган тушунтириш хати ҳам гўё корхона раҳбари Г.Сайдалиева ёзиб имзо чеккан қабилида тайёрланганича барча ҳужжатлар туман ДСИнинг маъмурий амалиётни ташкил этиш ва назорат қилиш шўъбаси бошлиғи У.Саимовга топширилган. Жаноб Саимов ҳам ҳужжатларни пухта ўрганмасдан тадбиркорга қўлланилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги жарималар битилган расмий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаб, уни туман ДСИ бошлиғининг биринчи ўринбосари Юсуф Азимовга имзо қўйдирганича ижрога жўнатган. Энг қизиғи, Гулчеҳра Сайдалиева эса ўзига нисбатан қўлланилган 54 минг 400 сўмлик жарима, корхонага қўлланилган 544 минг сўмлик молиявий жаримадан мутлақо бехабар бўлган.

Энди гапни бошқа томондан эшитинг: вилоят Давлат солиқ бошқармасининг шу йил 30 июн куни чиқарилган 183-сонли интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруғи билан Г.Сайдалиева раҳбарлик қилаётган корхона ва унинг ўзига қўлланилган молиявий жарималар бекор қилинди.

**(Давоми иккинчи бетда.)**

**Bugunning gapi**

## СУҒУРТА: ИМКОНИЯТ ВА ИШОНЧ ТЕНГМИ?

***Суғурта тизими фуқароларнинг турли хил табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар туфайли зарар кўришининг олдини олишнинг ишончли кафолатидир. Мазкур тизим фаолиятининг ижобий жиҳатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.***

Бироқ бу борада ҳам баъзи бир муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Наманган вилоятдаги бўлимлари томонидан пахта, бошоқли дон, шоли, боғ ва узумзорлар ҳосили нобуд бўлишининг олдини олиш юзасидан ихтиёрий суғурта қилиш бўйича ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Буни қуйидаги далил ҳам яққол тасдиқлайди. Вилоят бўйича жами 3402 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлса-да, жорий йил ҳосили учун "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг туман бўлимлари томонидан атиги 166 та фермер хўжаликлари билан қишлоқ хўжалик экинларини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича шартномалар тузилган, холос. Таъкидлаш жоизки, бундай ҳолатни юзага келишига суғурта ходимларининг ўзлари ҳам сабабчи бўлмоқда. Чунки суғурталанувчилар билан тузилган ихтиёрий суғурта шартномаларига асосан суғурта бўлимлари томонидан ўз мажбуриятларининг етарли даражада бажарилмаслиги суғурталанувчиларнинг ишончини йўқотмоқда. Масалан, "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Учқўрғон туман бўлимида тумандаги "Бободеҳқон", "Саломатхоная", "Фаррух" фермер хўжаликлари шу йилнинг 30 апрел куни бўлим билан тузилган шартномага асосан экин майдонларида суғурта ҳодисаси рўй бергани тўғрисида хабарнома билан мурожаат қилишган, лекин бўлим ходимлари томонидан ҳозирга қадар суғурта ҳодисаси тегишли тартибда ўрганилмаган. Шунингдек, бу ҳақда далолатнома тузилмаган ҳамда фермер хўжаликларига белгиланган тартибда жавоб хати берилмаган. Ваҳоланки, тарафлар ўртасида тузилган шартномаларга асосан бўлим ходимлари хабарнома келиб тушгандан сўнг 2 кунлик муддатда суғурта ҳодисасини ўрганиб, далолатнома тузиш лозим эди. Худди шундай қонунбузилиш ҳолатлари, "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Чуст, Янгиқўрғон, Уйчи туман бўлимлари томонидан ҳам йўл қўйилган. "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Поп туман бўлими эса шу йилнинг 28 май куни 29725 сўмлик суғурта бадали тўлаган "Абдуқодир ота" фермер хўжалиги ҳозирга қадар суғурта шартномаси тузмаган.

"Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Наманган вилоятдаги бўлимлари томонидан суғурталанувчилар билан тузилган суғурта шартномаларининг ижросида ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари мавжуд. Яъни, ҳисобланган суғурта қопламалари "Ўзагросуғурта" ДАСК томонидан тасдиқланган тегишли қоидалар ва суғурталанувчилар билан тузилган шартномаларда назарда тутилган муддатларда тўланмаяпди. Жумладан, "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Чуст туман бўлимига "Толибжон ота Алишержонов" фермер хўжалиги ўтган йилнинг 29 март куни тузилган шартномага асосан 7 май куни суғурта ҳодисаси рўй берганини маълум қилган. Шундан сўнг суғурта компанияси бошқаруви томонидан 27 декабр куни 2797,2 минг сўмлик суғурта қопламасини тўлаш бўйича хулоса берилган. Тарафлар ўртасида тузилган ихтиёрий суғурта шартномасида ҳисобланган суғурта қопламаси хўжаликнинг йиллик ҳисоботи топширилгандан сўнг тўлиқ тўланиши белгилаб қўйилган бўлса-да, бўлим томонидан суғурта қопламаси бўйича якуний ҳисоб-китоб белгиланган муддатдан 5 ой кеч амалга оширилган.

Бундан ташқари, вилоятда шу йилнинг 14-19 апрел кунлари бўлиб ўтган жала туфайли уй-иморатлари зарар кўрган суғурталанувчиларга ҳисобланган суғурта қопламалари айрим бўлимлар томонидан ўз вақтида тўланмаган. Хусусан, "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Чуст туман бўлими томонидан 70 нафар суғурталанувчиларга 976,4 минг сўмлик, Учқўрғон туман бўлими томонидан 40 нафар суғурталанувчиларга 536,0 минг сўмлик, Норин туман бўлими томонидан 53 нафар суғурталанувчиларга 1191,4 минг сўмлик, Уйчи туман бўлими томонидан 72 нафар суғурталанувчиларга 1342,0 минг сўмлик суғурта қопламалари етказилмаган. Поп туман бўлими томонидан эса 145 нафар суғурталанувчиларга 2006,0 минг сўмлик суғурта қопламалари белгиланган муддатлардан сўнг тўланган. Ваҳоланки, "Ўзагросуғурта" ДАСК Бошқаруви томонидан 2002 йилнинг 11 сентябр куни тасдиқланган "Фуқароларнинг иморатларини ихтиёрий суғурталаш" бўйича 72-сонли қоидага мувофиқ суғурта ҳодисаси бўйича суғурталанувчи ариза билан мурожаат қилганидан кейин 72 соат (3 кун) ичида суғурта қопламаси тўланиши лозим эди.

Хулоса ўрнида айтсак, "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Наманган вилоятидаги бўлимлари томонидан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда шартнома интизомига риоя этилишига масъулиятсизлик билан ёндашиш оқибатида хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг суғурта идораларига нисбатан бўлган ишончига путур етказмоқда. Бу эса ўз навбатида ихтиёрий суғурта шартномаларини тузувчилар сонининг йилдан йилга камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боис баён этилган масала мутасаддилар томонидан ўрганиб чиқилиши ва бу борада мавжуд бўлган камчиликлар тезда бартараф этилиши зарур. Зеро, суғурта тизими фаолиятининг яхшиланиши халқимиз манфаатига хизмат қилади.

**Актам МУХАММАДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

Huquqiy ma`rifat

# ЁЛЛАНИШ

## унга нисбатан қандай жиноий жавобгарлик бор?

Ёлланиш — хавфли жиноят тури ҳисобланади. Ёлланиш жиноятига қонунчиликда шундай таъриф берилган: ёлланувчи низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган, мазкур давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон-бир шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиши ёлланиш деб аталади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ёлланиш жинояти БМТ Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан таъқиқланган. Жумладан, Бош Ассамблеянинг 1976 йил 30 ноябрдаги 31/34-сонли резолюциясида ёлланувчилардан миллий озодлик ҳаракати ёки мустақиллик ҳаракатларига қарши фойдаланишни ман этиш баробарида барча мамлакат ҳукуматларини ўз ҳудудларида ёлланувчиларни тайёрлаш, маблағ билан таъминлаш ва ўқитишни жиноят деб эълон қилинган ва ўз фуқароларининг ёлланишларини таъқиқловчи қонунлар қабул қилишга чақирилган. Бундан ташқари, БМТ Халқаро хавфсизлик кенгашининг 1976 йилги 289-сонли резолюциясида ҳам давлатнинг ёлланувчиларни қабул қилиш ва БМТга аъзо бўлган мамлакатлар ҳудудида давлат тўнтаришини содир этиш учун уларга шароит яратиб бериш қаттиқ қораланади.

1949 йилги Женева битимлари 1-сонли баённомасининг 47-моддасига асосан, ёлланувчи низолашаётган мамлакатнинг фуқароси ҳам, тўқнашуви томоннинг назоратдаги ҳудудида муҳим истиқомат қилувчи шахс ҳам ҳисобланмайди. Шунингдек, қуролли кучлар таркибига ҳам кирмайди ва бирор давлат томонидан унинг қуролли кучлари сафида расмий вазифаларни бажариш учуни юборилмайди. Бошқача айтганда, ёлланувчи низолашаётган томоннинг бирортаси билан бевосита ҳуқуқий муносабатга эга эмас.

Ёлланувчи одатда хорижда қуролли тўқнашувда қатнашиш учун махсус ёлланган шахс бўлиб, у энг аввало, шахсий фойда олиш учун ёлланиш жиноятини содир этади. Ҳозирги пайтда ёлланган шахслар шахсий жиноий жавобгар, улардан фойдаланадиган давлатлар эса халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

1977 йилги "Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Женева Конвенциясига киритилган 1-сонли қўшимча баённоманинг 47-моддасида "ёлланган аскарлар" тушунчасига таъриф берилган. Унга мувофиқ қуролли тўқнашувда жанг қилиш учун ҳарбий ҳаракатлар жойида ёки чет элдан махсус ёлланган мазкур тарафнинг қуролли кучлари шахсий таркибга кирувчи, ҳарбий ҳаракатларда бевосита қатнашувчиникидан анча ортиқ ҳақ ваъда қилиниб, шахсий наф олиш истагида бўлган шахс сифатида тўқнашувчи тарафларнинг фуқароси бўлмаган; тўқнашувчи тараф назорат қилаётган ҳудудда доимий яшамайдиган; тўқнашувчи тарафнинг қуролли кучлари шахсий таркибига кирмайдиган, давлат томонидан юборилмаган, унинг қуролли кучлари таркибига кирувчи шахс саналмайдиган шахслар ёлланган аскарлар ҳисобланади.

Ёлланиш мамлакатимиз жиноят қонунчилигида ҳам жиноят деб эътироф этилади ва қуйидаги ҳолларда жиноий жавобгарлик ҳолати белгиланади.

— ёлланувчи аниқ бир қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашиши учун ёлланади;

— ёлланувчи тўқнашувчи мамлакат фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмайди, тўқнашувчи тараф назорат қилаётган ҳудудда доимий яшамайди ва қуролли кучлар таркибида расмий мажбуриятларни бажариш учун унга ҳеч бир давлат томонидан ваколат берилмаган. Фақат давлатлар ўртасидаги шартномаларга кўра бошқа давлат армиясига вақтинча хизматни ўташ учун юборилиши мумкин, лекин уларнинг ҳарбий тўқнашувларда бевосита қатнашиши мумкин эмас;

— моддий наф кўриш ёки бошқа шахсий манфаатларга эга бўлиш ёлланишнинг сабаби ҳисобланади ва жиноий жавобгарлик масаласи кўрилади.

Ушбу жиноятнинг субъектлари хорижий фуқаролар ёки низолашаётган томонлар ҳудудида доимий яшамайдиган, бирон-бир мамлакат ҳудудидаги қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланган шахслардир.

Ёлланиш жинояти тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган бошқа жиноятлардан, жумладан, урушни тарғиб қилиш, агрессия, геноцид, терроризм, миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш каби жиноятлардан жиноятнинг объектив томонига қараб фарқланади.

Одатда, ушбу жиноятлар махсус субъектлар томонидан бажарилади. Ёлланганликнинг субъекти қайси мамлакатга ёлланган бўлса, ўша мамлакат ҳудудидаги қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёллаб олинган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларгина бўлиши лозим. Уруш қонун ва удумларини бузиш жиноятида эса жиноятнинг субъекти фақат ҳарбий хизматчи ёки тиббий ходим бўлиши зарур.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, турли тўқнашувлар ва можаролар бўлиб турган бир пайтда тинчлик ва хотиржамликни бузадиган, инсониятга ўрнини қоплаб бўлмайдиган даражада талофатлар етказадиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олиш борасида бир қанча халқаро ҳамкорлик ишлари амалга оширилган. Жумладан, халқаро тинчлик ва хавфсизликка тажовуз қилиш энг хавфли қилмиш бўлиб, у халқаро ҳамжамият томонидан БМТ Низомининг асоси деб топилган. Мазкур ташкилотнинг асосий вазифаси халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўлиб, шу муносабат билан тинчликка қилинаётган таҳдиднинг олдини олади. (БМТ Низоми 1-моддаси)

1950 йилда Халқаро ҳуқуқ комиссияси Нюренберг трибунали тан олган ва мазкур трибунал қарорида ифодаланган халқаро ҳуқуқ тамойилларини қабул қилди. Ана шу ҳужжатда трибунал ишлаб чиққан халқаро жиноятларнинг таснифи тасдиқланган. 1954 йилда комиссия тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар Кодекси лойиҳасини қабул қилди. Унда халқаро жиноятларнинг тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қилмишлар экани алоҳида таъкидланган. Ушбу Кодексга ҳозирги пайтда ҳам амал қилинмоқда. У халқаро жиноятларнинг олдини олиш, дунё халқларнинг тинчлиги ва хотиржамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Саломат НИЁЗОВА,**
**тадқиқотчи**

Ajab savdolar

# ФИРИБГАРГА ЭМАС, "ТЕСТ" СИНОВЛАРИГА ИШОНИНГ!

## шунда орзуингиз рўёбга чиқади

***Айни кунларда мамлакатимизда олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш жараёни қизғин паллага кирган. Биз шуни ҳисобга олган ҳолда бир фирибгарнинг қандай қилиб ота-оналарнинг ишончига кириб, уларнинг катта миқдорда пулини шилиб олгани ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Зеро, бу воқеа «ўғлимга ўқишга киритиш учун таниш топишим керак», деган хомхаёлда юрган баъзи ота-оналарга сабоқ бўлса, ажаб эмас.***

2001 йилнинг ёз палласи эди. Термиз шаҳрининг Ухобова кўчасидаги 2-уйда яшайдиган Тиллақиз Жумаева ҳамшаҳари А.Ибрагимова билан танишиб қолади. Биласиз, аёлларнинг гурунги узоқ бўлади. Бу икки аёл ўртасида гап гапга уланиб, А.Ибрагимова ўғли Ф.Одиловни Термиз Давлат университетининг иқтисодиёт бўлимига ҳужжат топширганини айтиб қолади. Тиллақиз опамиз бу хабарни эшитгач, бирдан гўё ҳиммати жўш уриб кетади:

- Менинг хўжайиним вилоят ҳокимлигида ўқув ишлари бўйича масъул вазифада ишлайди. Агар хоҳласангиз, ўғлингизни ўқишга киритиб қўйишим мумкин. Хўжайиним университет ректори билан ҳам яқин таниш. Қолаверса, ўзим ҳам ректорнинг оиласи билан борди-келди қилиб тураман...

Нимасини айтасиз, А.Ибрагимова анча соддадил аёл эмасми, Тиллақизнинг гапларига бир пасда лаққа ишонди-қолди.

— Э, опажон, сизни менга худонинг ўзи етказди, — деди у азбаройи қувониб, — қани эди ўғлимни шу университетга киритиб берсангиз, бир умр хизматингизни қилардим.

— Бунинг иложи йўқ эмас, бор. Фақат озгина чиқими бўлади, шундан қочмасангиз бас, - деди Т.Жумаева.

— Чиқимдан қочадиганлардан эмасмиз, — деди ўз навбатида А.Ибрагимова. — Фақат ўғлим ўқишга кирса, бўлди. Нархини айтинг, тўлайман.

— 1 миллион 600 минг сўм бўлади.

— Розиман, икки кундан сўнг дўконимга келинг, айтган пулингизни санаб оласиз.

Қисқаси, улар гўё гапни бир жойга қўйиб, хайр-хушлашганча тарқалишди.

Тиллақиз Жумаева эртаси кун А.Ибрагимованинг дўконига бориб, келишилган пулни санаб олди.

Энг қизиғи шундаки, А.Ибрагимова пулини бердим, энди ўғлим аниқ ўқишга киради, деган ўйда кўнгли тўқ эди.

Бироқ орадан бир ойча вақт ўтгач, ўғли ўқишга киролмагани маълум бўлиб қолди. Ишончи бир зумда чилпарчин бўлган А.Ибрагимова шоша-пиша Тиллақиз Жумаевани излаб топди.

- Опажон, сиз сира ташвишланманг, — дея уни қарши олди Тиллақиз Жумаева. — Ҳаммаси жойида бўлади. Тестдан йиқилган бўлса, йиқилибди-да. Бунинг бошқа йўллари бор. Ҳозир сиз менга 25 минг бериб турасиз. Эрта-индин пахтага талабаларни олиб кетишади. Мен ана шу пулга ўғлингизни «ВКК» маълумотномасини олиб, уни пахта йиғим-теримидан олиб қоламан. Ўғлингиз университетнинг сиз айтган бўлими талабаси бўлади. Гапимга ишонаверинг. Бунинг уддасидан чиқаман. Ҳозиргина ректорнинг ҳузуридан келдим... Ҳаммаси гаплашилган, кўнглингиз хотиржам бўлсин.

Биз соддадил, ишонувчан халқмиз. Боягина ичида минг бир пушаймон бўлиб турган А.Ибрагимова ҳам бир зумда фирибгарнинг ёлғон ваъдаларига қандай ишониб, яна 25 минг сўмни унга қандай санаб берганини ўзи ҳам билмай қолди...

Бу дунёда фирибгарлар ишонувчан, соддадил одамларни излаб топишади ва уларга катта-катта ваъдалар бериб, бир пасда чўнтакларини қоқиб олиш пайида юришади. Аччиқ бўлса-да, шуни тан олиш керакки, аксарият ҳолларда улар бунинг уддасидан чиқишади ҳам.

Тиллақиз Жумаева А.Ибрагимовани лақиллатиб, пулини олиш билан чекланмай, бошқа бир соддадил одамни ҳам "чув" туширди.

Гап шундаки, 2001 йилнинг июнь ойида Тиллақиз Жумаева Термиз шаҳрида яшовчи Х.Мирзаевани учратиб қолади. Гап орасида Х.Мирзаева тоғасининг ўғли Г.Раҳмоновнинг Термиз Давлат университетига ҳужжат топшираётганини айтади. Фирибгар Т.Жумаевага эса худди шу нарса керак эди. Шунинг учун у фурсатни қўлдан бермай, ўлжасини аврашга ўтади.

- Асло хавотир тортманг, ҳаммаси жойида бўлади. Менинг хўжайиним вилоят ҳокимлигида масъул вазифада ишлайди. Ректорнинг қалин ошнаси. Қолаверса, ўзимнинг ҳам танишларим жуда кўп. Жиянингиз насиб бўлса, албатта, ўқишга киради, - дея у Х.Мирзаеванинг ишончини қозонди. Ана шу фирибгарлиги эвазига ундан 2 миллион сўмни санаб олади.

Бироқ ҳар бир қаллобликнинг ҳам чек-чегараси бор. Кўп ўтмай Т.Жумаеванинг фирибгарлиги ошкор бўлади. Тест синовларидан ўтолмаган Г.Раҳмоновнинг аммаси бўлмиш Х.Мирзаева ўз қўли билан берган пулни қайтариб олиш ниятида Тиллақиз Жумаеванинг уйига кунора қатнай бошлайди. Бироқ Т.Жумаева фириб беришини қўймас, уни қуюқ ваъдалар билан алдаб, пулни қайтаришни сира хаёлига келтирмасди. Бу орада куз ўтиб, қишнинг қаҳратон кунлари бошланди. Пулни қайтариб беришни талаб қилиб келган Х.Мирзаевани фирибгар яна ўз гапларига ишонтириб, изига қайтарди:

- Опажон, жиянингиз, албатта, ўқишга киради. Феврал ойида контракт билан кирганларнинг бири пулни тўлолмагани учун университетдан ҳайдалар экан. Ўзим бу ҳақида ректор билан гаплашиб чиқдим. Шунинг ўрнига жиянингиз ўқишга киради...

Бироқ жиянини ўқишга киритиш ташвиши билан юрган Х.Мирзаеванинг орзулари орзулигича, армонлари армонлигича қолиб кетаверди. Бир кун у ўйлаб кўрса, ўз оёғи билан фирибгар тузоғига илиниб, берган пулига куйиб қоладиганга ўхшайди. Қисқаси, бу иш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар аралашуви билан тугади.

Кейинчалик суриштирув ишлари олиб борилганда, шу нарса маълум бўлдики, Тиллақиз Жумаева Термиз шаҳрида яшовчи М.Бурҳонов, М.Муҳаммадиева, Олтинсой туманидан Р.Мамаюсупов, ангорлик У.Эшқобиловадан фирибгарлик йўли миллионлаб пулларни қўлга киритган экан. Бу қинғирликнинг оқибати судга бориб тақалди.

Албатта, фирибгар қилмишига яраша жазо олди. Бироқ баъзи бир содда, ишонувчан кишиларнинг фирибгарлар тузоғига илиниб қолаётгани кишини ўйлантиради.

Ҳолбуки, бугунги кунда мамлакатимизда олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш "Тест" усули асосида амалга оширилмоқда. Бу — ана шу жараён ҳалол, адолатли ўтиши учун тўлиқ кафолат беради. Бу ҳақда баҳслашиб ўтиришнинг ўзи ортиқча эканини бугун минглаб оддий одамларнинг фарзандлари олий ўқув юртларида таҳсил олаётганини ҳам исботлайди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, сиз кўча-куйда юрган фирибгарга эмас, "Тест" синовларига ишонинг! Шунда доғда қолмайсиз.

**Бахриддин ЭШДАВЛАТОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Табиат жозибаси*

Jahon tajribasi

***Жаҳондаги ривожланган давлатлардан бири бўлган Англия жиноят қонунларининг манбаига назар ташлайдиган бўлсак, бошқа давлатлардан фарқ қилувчи жиҳатлари кўп эканига гувоҳ бўламиз. Аксарият давлатларда жиноят қонунчилиги алоҳида-алоҳида моддаларда кўрсатилган бўлса, Англияда эса статутлар (парламент қонунчилиги) ва суд жиноят қонуни манбалари асос ҳисобланади. Жиноят ишларидаги бирор-бир ҳолат бўйича статут қўлланиб, баъзи ҳолатларда эса прецентлари орқали ҳал қилиниб келинади. Жиноят кодексининг йўқлиги Англия ҳуқуқининг асосий хусусиятларидандир.***

# АНГЛИЯ: ЖИНОЯТ ҚОНУНИ

Суд амалиёти умумий (ёки прецедент) ҳуқуқи деб номланиб, у бир неча аср мобайнида давом этиб келаётган тарихий манбаларга таянади. Англия жиноят қонунининг юзага келишига назар ташласак, XII асрда қироллик ва графлик судлари ишни кўриб ҳукм чиқариши натижасида секинлик билан жиноят қонуни асослари бўлган қоидалар яратилади. Қироллик судлари томонидан XII-XIII асрларда ўта оғир жиноятлар учун жавобгарлик, XIV асрга келиб эса унча оғир бўлмаган жиноят учун жавобгарлик ҳуқуқий актлари ишлаб чиқилади. Кейинроқ эса жиноят қонунчилигини ривож топтиришда юлдузли суд палатаси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Узоқ вақт давомида суд ишларини юритиш тартиби ва жазо тайинлаш ҳамда ишда иштирок қилувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тартиблар ёки прецедентлар тўпланиб, йилда нашр қилина бошланган. У "Йиллик тўплам" деб номланиб, XIII аср охирида судлар амалиётида татбиқ қилинган. Даставвал тўплам қўлёзма тарзда, кейинроқ эса босма тарзда нашр этилган.

Тахминан XIX аср ўртасигача суд ҳисоботлари тўпламлари бир неча таниқли инглиз ҳуқуқшунослари (Крок, Плауден ва бошқалар) томонидан тўпланиб нашр қилинган. 1864 йилдан бошлаб ҳисоботлар "Law Reports" номи остида нашр қилина бошланди.

Ҳозирги вақтда эса анча таниқли ва кўзга кўринарли нашрлар, яъни Бутун Англия суд ҳисоботлари ("All England Law Reports") ҳамда жиноят апелляция ишлари бўйича ҳисоботлар ("The Criminal Appeal Reports") ҳафталик суд ҳисоботлари мунтазам равишда чоп қилиб келинмоқда.

Англияда жиноят ҳуқуқи деярли судларнинг ҳал қилишига асосланади. Соддароқ қилиб айтганда, бир жиноят иши суд томонидан кўриб чиқиб ҳал қилиниш учун шунга ўхшаш иш аввал қай тарзда ҳал қилингани ўрганиб чиқилади ва аввалги ҳисоботлар асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Белгиланган қоида бўйича жиноят ҳуқуқи соҳасида парламент актлари аниқ бўлган жиноятлар юзасидан жавобгарлик аниқланади. Парламент актларида ишнинг моҳияти бўйича судда ишларни кўриб чиқишдаги юзага келадиган саволларга жавоб бериш ҳолатлари жуда кўп учрайди. Масалан, 1976 йилда Мортонанинг иши бўйича номусга тегиш жиноятининг янги изоҳи ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, Англия ва Уэльсда жиноят қонунчилигини кодификациялаштиришга бир неча бора ҳаракат қилинган, аммо барча уринишларнинг натижаси кам бўлган. Улардан бири 1833-49 йилларда юзага келган бўлиб, унга иккита қонун лойиҳаси тайёрлаб киритилган.

Шунга ўхшаш ҳаракатлар 1878, 1879 ва 1880 йилларда ҳам амалга оширилган. Натижада Англияда бир қанча жиноят қонунлари юзага келган. Уларнинг бири фақат моддий, бошқалари эса процессуал меъёрларни ўз ичига қамраб олган. Улар ўзига хос кўринишдаги кодекслар сифатида жиноят ҳуқуқининг алоҳида соҳаларини тартибга солиб келган. Масалан, шахсга қарши қаратилган жиноятлар тўғрисидаги 1861 йилдаги Қонун нафақат одам ўлдириш жиноятини, балки баданга оғир шикаст етказиш, заҳарлаш, тажовуз қилиш, бола ўғирлаш, кўпхотинлик ва ноқонуний бола тушириш (аборт) каби содир қилинган жиноятларга жавобгарликни белгилаб берган. 1968 йилда қабул қилинган ўғирлик тўғрисидаги Қонунда эса кўпроқ мулкка қарши қаратилган жиноятлар бўйича жавобгарлик белгиланган.

Англия жиноят қонунчилиги тараққиётида 1965 йилда ташкил қилинган ҳуқуқни ривожлантириш Комиссиясининг таъсири каттадир.

Ўтган асрнинг 60-йилларнинг бошида энг муҳим бўлган жиноят ҳуқуқининг махсус қисми такомиллаштирилади. 60-йилларнинг охирига келиб эса бир қанча жиноят иши юзасидан саволларга жавоб бериш масаласи ҳақида жиноят қонунининг умумий қисми бўйича ҳужжатлар нашр қилина бошланган. Уларга 1967 йилдаги жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги Қонун, 1977 йилдаги жиноят қонуни тўғрисидаги Қонун (ушбу қонун асосан шахсларнинг биргаликда жиноят содир қилишдаги жавобгарлиги назарда тутилган), 1971 йилдаги жиноят содир қилиш билан мулкка зарар етказиш тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Шунингдек жиноят ҳуқуқи бўйича жиноят-процессуал хусусиятдаги ҳужжатлар ҳам мавжуд. Улар сирасига 1973 йилдаги жиноят судлари ваколатлари тўғрисидаги, 1980 йилдаги Магистрат судлари тўғрисидаги, 1982, 1987 ва 1988 йиллардаги жиноят ва одил судлов тўғрисидаги қонунлар ва бошқа актларни айтиб ўтиш мумкин. Амалда эса ўзида моддий ва процессуал меъёрларни мужассамлаштирган алоҳида қонун мавжуд эмас.

Бундан ташқари, жиноят қонун меъёрлари бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги меъёрларда ҳам мавжуд бўлиб, улар маълум бир жиноят бўйича жиноятчиликни белгилайди.

Расмий бўлган қонунлар Қироллик нашриётида алоҳида акт тарзида ёки парламент йиғини актларининг йиллик нашрларида чоп этилади (The Public General Acts and Church Assembley Measures).

1980 йилда давлат ҳуқуқ ўқитувчиларининг жиноят ҳуқуқи бўйича Жамияти томонидан жиноят кодексининг лойиҳаси тайёрлана бошланди. Бу борада биринчи навбатда амалдаги ҳуқуқни тартибга солиш режаси ишлаб чиқилди ва 1984 йил ноябрь ойида лойиҳа махсус комиссияга топширилди. Лойиҳа тегишли идораларда муҳокама қилиниб, ўрганиб чиқилди ва умумлаштирилиб 1989 йил 17 апрелда охирги қонун лойиҳаси эълон қилинади.

Кодекс лойиҳаси 2 бўлимга ажратилган бўлиб, биринчи бўлим "Жавобгарликнинг умумий тамойиллари" ва иккинчи қисм "Жиноятчилик" деб номланиб улар ҳам кичик қисмларга ажратилган. Иккинчи қисм "Юристидкция" деб номланиб, учта моддадан иборат, унга асосан ишларнинг тегишлилик масалалари баён этилган. Учинчи қисм "Жиноий қидирув ва жазолаш" деб номланиб, унда олти модда мавжуд. Тўртинчи қисм далилларга бағишланган. Бешинчи қисм "Жиноятнинг ички унсурлари" деб номланган. Олтинчи қисм «Айб»га бағишланган. Еттинчи қисм "Жиноятнинг иштирокчилари" деб номланган бўлиб, асосан иштирокчиларни содир қилган жинояти учун жиноятчилик доиралари белгиланган. Саккизинчи қисм руҳий касаллик ва муомалага лаёқатсизлик ҳолатида жиноят содир қилишга бағишланган. Тўққизинчи бўлимда жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳолатлари тасвирланган ва якуний ўнинчи қисм эса ўзига туҳмат (иғво ва фитна), ўзаро тил бириктириш ва суиқасд қилиш масалаларини ўз ичига қамраб олган. Кодекс лойиҳасининг иккинчи бўлими эса икки қисмдан иборат. Биринчиси қисмга шахсга қарши қаратилган жиноятлар, иккинчисига эса мулкий жиноятлар жамланган.

Баён этилган маълумотлардан билиш мумкинки, Англия давлати жиноят ҳуқуқининг қонунчилиги шаклланиши ўзига хос тарзда давом этиб, бир тўхтамга келиш қийинроқ кечмоқда. Бунинг энг асосий сабаби Англиядай буюк давлатнинг узоқ тарихий даврида ҳуқуқ соҳасида иш олиб бориш бўйича бир йўналишга тушиб олгани ва тарихий ўтмишдан воз кечмасдан жиноят қонунини шакллантириш борасидаги мунозаралар ва муҳокамалар давом этиб келаётганидадир.

**Зокиржон БАРНОЕВ,**
**Маҳбуба ҲАМИДОВА**

Taassuf

# ҚАСАМГА ХИЁНАТ

***Мамлакатимизда инсон ҳаёти, шаъни ва қадри энг олий қадрият ҳисобланади. Бош қомусимизда ўз аксини топган ушбу инсонпарварлик тамойили, айниқса, оналар ва болаларни муҳофаза қилиш соҳасида яққол кўзга ташланади. Зеро, мустақил юртимизда оналик ва болалик давлат муҳофазасига олинган. Уларнинг ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Шундай бўлса-да, бу борада ҳам айрим муаммолар йўқ эмас. Уларнинг сабаблари таҳлил этилганда турлича хулосага келиш мумкин. Қуйида баён этилган воқеа ана шундай муаммоларнинг биридир.***

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, шу йилнинг 16 апрел куни Сариосиё туманидаги "Дашнобод" ширкат хўжалигида яшовчи 4 нафар боланинг онаси Гулнора Юсупова туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлимига туғруққа тайёрланиш учун даволанишга ётади. Чунки унда камқонликнинг оғир шакли каби бир қанча касаллик аломатлари аниқланган эди. У 22 кун мобайнида шу ерда муолажа олади. 6 май куни Гулнорада туғруқ аломатлари сезилгани боис туғруқ бўлими бошлиғи Раъно Мелибоева уни туғруқ хонасига ўтказади. Эртаси куни Гулноранинг турмуш ўртоғи Абдурашид Юсуповга навбатчи шифокор Шавкат Муродов бола она қорнида қимирламаётгани сабабли жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш лозимлигини айтади. Шундан сўнг А.Юсупов қайноғаси Х.Зокиров билан Р.Мелибоеванинг уйига бориб, болани жарроҳлик йўли билан олиб ташлашга ёрдам беришини сўрашади. Бироқ Р.Мелибоева чарчагани сабабли ҳозир шифохонага боролмаслигини айтиб, навбатчи шифокор Ш.Муродовга телефон орқали Гулнорани «демидрол», «аналгин» ва «дракродол» дорилари билан эмлаш ҳақида буйруқ беради. Бу эса Гулноранинг аҳволини баттар оғирлаштиради. Шундай бўлса-да, Р.Мелибоева 8 май куни Гулнорага нисбатан ҳеч қандай чора-тадбир кўрмайди. 9 май куни эрталаб навбатчи шифокор Ш.Муродов она қорнидаги ҳомиланинг ўлганига 3-4 кун бўлгани боис Г.Юсуповани жарроҳлик столига ётқизиш лозимлигини айтади. Бироқ бош шифокор Р.Мелибоева бунга рози бўлмайди ва шу куни соат ўн саккизлар атрофида Г.Юсуповани мажбурий равишда туғдиришга киришади. Бунинг натижасида бачадон ёрилиб кетиб, аёл кўп миқдорда қон йўқотади. Касалхонада қон захираси йўқлиги, ўз вақтида қон қуйилмагани боис беморда клиник ўлим рўй беради. Клиник ўлимдан сўнг Р.Мелибоева ўзи йўл қўйган хатоликни яшириш мақсадида Г.Юсуповани операция қилади. Бу иш шу қадар палапартишлик билан амалга оширилади. Ваҳоланки, беморда туғруқ аломати сезилган куни жарроҳлик амалиёти ўтказилганда, она ҳам, бола ҳам соғ қолиши аниқ эди. Албатта, ушбу нохуш ҳолат мутасаддилар томонидан ўрганиб чиқилди ва унга тегишли баҳо берилди. Хусусан, ушбу ҳолат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Нурия Тўраева томонидан таҳлил этилган. Таҳлил маълумотномасида жумладан шундай дейилган: "Гулнора Юсупова 16 апрел куни Сариосиё тумани марказий шифохонасининг туғруққа тайёрлаш бўлимига ётқизилган. Бу бўлимда Гулнора 22 кун даволанган. 9 май куни эрталаб соат олти яримда унда туғруқ аломати бошланган. Тўлғоқ жараёни суст бўлгани сабабли аёлга тўлғоқни кучайтирувчи "окситоцин" воситаси берилган. Натижада кечки соат бешдан эллик минут ўтганда туғруқ содир бўлган. Ҳомила йўлдоши тушиши билан аёлдан қон кета бошласа-да, шифокор Р.Мелибоева зудлик билан оператив йўли билан қон кетишни тўхтатиш ва беморни тезда операция хонасига ўтказиш ўрнига оддий консерватив усулларни қўллаб, даволаш вақтини ўтказиб юборган. Шундан сўнг геморрагик шок ҳолатида Г.Юсупова жарроҳлик столига ётқизилган. Жарроҳлик амалиёти соат 18.20 да бошланиб, икки соат давом этган. Беморга қилинган муолажаларнинг ҳаммаси ўз вақтидан кеч бўлган. Ўлим 14 май куни соат 18 55 да кўп миқдорда қон кетиш ва унинг ўз вақтида ўрни тўлдирилмагани натижасида келиб чиққан полиорган етишмовчилиги туфайли содир бўлган.

Туғруққа тайёрлаш бўлимининг бошлиғи Р.Мелибоева томонидан қуйидаги жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилган:

1. Г.Юсупова 5-ҳомиладорлик даврида, 5-туғруқ, камқонликнинг оғир даражаси билан стационарга туғруқдан 22 кун олдин ётқизилган бўлса-да, Р.Мелибоева томонидан уни туғруққа тайёрлаш чоралари кўрилмаган. Хусусан, унинг юқори хавфли гуруҳга кириши инобатга олинмаган.

**(Давоми тўртинчи бетда.)**

